



Бажарувчи ташкилотнинг аълоҳи олий
ТАНЛОВ ХУЖУМАТИНИНГ РАЪИСИ

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: "Хатирчи тумани "Худдон" МФЙ аҳолисини 708 хонадон 3120 нафар аҳолини 21 кмнн тоза ичимлик суви билан таъминлаш". Объектининг дойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш, топогасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топширигини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС хулосасини олиш ишларини бажариш.
- 1.2. Танловнинг юкори киймати- 22 500 000 сум.
- Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.
- 1.3. Хизмат буйича Техник топширик танлов хужжатлари техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. "Сув таъминот ва оқава суви объектлари қурилиши буйича инжиниринг компанияси" УК Навоий вилоят худудий бошқармаси" (булдан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
"Буюртмачи" манзили: Узбекистан Республикаси Навоий шаҳри Ғалаба шох кўчаси 226, е-mail:lavouy-injiring@bk@mail.ru Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.2. Танлов "Сув таъминот ва оқава суви объектлари қурилиши буйича инжиниринг компанияси" УК Навоий вилоят худудий бошқармаси биносидда "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.
- 2.3 Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сунг якунига (сониясига) қадар тижорат таклифлари қабул қилинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки голибни танлаб олиш мақсадида харид комиссиясининг йитгилиши

3. ТАНЛОВ ИШТИРОҚЧИЛАРИ

- 3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда ишвахизматлар қурсатнишга ихтисослашган лицензияси мавжуд, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.1 Танловда иштирок этиши учун талабдорларга қуйидаги талаблар қуйилади:
Танлов предметида иштирокчининг кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала хукукий лаёқат ва ваколатлари; танлов объекти ва уқашш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари туғрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулкжалланаётган хажми (50 фойз дан кам булмаган ҳолда);
- 3.3 Агар танлов предметида булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабдорларга руҳсат этилади.

3.2 Қуйидаги талабдорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди:
Қайта ташкил этилиши (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арасида туғашлар; мол-мулкни мусолара қилинганлар, ҳамда муассислик қилинув, Манфаатлар тўқнашувиға олиб келадиган ҳолатлар аниқланганда, бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОҚ ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.2 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
 - Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар қурсатилиши керак;
 - Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ қурсаткичлар қурсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари ваколатли шахс изоси ва муҳр билан тақдикланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3 Танлов иштирокчиси:

- Тақдим этилаётган хужжатларни ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигиға тулик, жавобгар булади;
- Таклифлар бериш муддати тугаунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгатириш қиритиш хукукига эга.

4.4 Умумий талабларни поргалага юқлаш шартлари:

- танлов катнашчисининг ташкилий тузилиши туғрисида маълумот (структура);
- танлов катнашчиси ҳақида умумий (ишчи ходимлар меҳнат дафтарачалари ҳамда дипломлари билан) маълумот;
- танлов катнашчисининг молдий техник базаси туғрисида (тақдикловчи хужжатлари билан) маълумот;
- танлов катнашчининг гувоҳномаси, лицензияси;
- танлов катнашчиси томонидан охирти уч йил мобайнида шунга ўқашш объектлар бажарилган лойиҳа-смета ишлари туғрисида шартномалар

4.5 Молиявий барқарорлик:

- Солиқлар ва йитгиларни тўлаш буйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги, Асосий ва иккисламчи ҳисобварағидаги 2-сон қартоғека қарздорлигининг мавжуд эмаслиги, Давлаг солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шу бохали қорхоналар рўйҳатиға қиритилмаганлиги;

Банк кредитлари буйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги

4.6 Катнашчи ташкилотнинг Навоий вилоятда шахсий офисга ёки ижара жойига эга эканлиги: (Кадастр хужжати ёки ижара шартномаси талаб этилади)

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИ

5.1 Белгиланган тартибда танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан белгиланган тартибда қабул қилиши ёки узайтириши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йитгилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1 Давлаг харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар
- 6.2 Харид комиссияси давлаг харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голибни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.
- 6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилигиға жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топиладан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлаг буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган саналдан камидан уч кун олдин қарор қабул қилиншига ҳақли. Товари (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган саналдан эътиборан камидан уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утказиш туғрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2 Танлови иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган саналдан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган саналдан камидан уч кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган саналдан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлара сосида тузилади.